

2003 7-XII

«ОНАМ ДАН»
 4-бет

САН-САНИЧНИНГ ИХТИРОЛАРИ
 Орамиздаги одамлар
 5-бет

УЛФАТ ВА КУЛФАТ
 Қилмиш-қидирмиш
 6-бет

ХАЛҚАРО ХАЁТ
 ОРОЛ КИМГА ТЕГИШЛИ?
 7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ

01

(264)

YURIDIK GAZETA

Yanvar					
D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Y	5	12	19	26	

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan. E-mail: huquq@Infonet.uz

ОБОД МАҲАЛЛА — ОЗОД МАҲАЛЛА

Обод маҳалланинг оқсоқоллари — Арғувон, чинори, мажнунтоллари, Фарзанд-набиралар мисли болари — Кўчани тўлдириб меҳмонга келар, Маҳалла аталмиш ошёнга келар.

Фаришта келинлар хизматда тетик, Бир қўлда супурги, бир қўлда бешик. Тонгдан очилганда дарвоза-эшик — Барака жилмайиб дастурхон келар, Файз яшнаб-яшариб хушхандон келар.

Маҳалладан келин излаган қанча, Маҳалладан куёв кўзлаган қанча. Орзудан, тўйлардан сўзлаган қанча, Бир жойки, оқибат посбонга келар, Меҳр-вафо ҳар уйга мезбонга келар.

Турмуш ўтиб борар хиллик ва гуллик — Осойиш-соябон, зийнат — аҳиллик, Шул боис бу ердан бадар бахиллик, Ҳар мушкул ечилиб, осонга келар. Шоирнинг тилига — дostonга келар.

Қуриш, яратишга даъват маҳалла, Узни англаганга савлат маҳалла. Ки давлат ичра бир давлат маҳалла, Бунда дил дилдай кенг осмонга келар, Мисли Ўзбекистон бўстонга келар.

АБДУХОЛИК



Абдувоҳид ТУРАЕВ олган суратлар

*Assalomu alaykum
 aziz mehnatarkasi!*

Вақт оқар дарё дейдилар. Мамлакатимиз тарихида унутилмас воқеаларга бой бўлган 2002 йил тарих мулкига айланганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Мана, янги асрнинг учинчи йилида ҳам Сизлар билан дийдорлашиб турибмиз. Ҳар галгидек, бу йил ҳам ижодий жамоамиз газетанинг ҳар бир сонини Сизга манзур бўлиши учун бор имкониятларни ишга солишни режалаштирган. Муштарийларимиз турли соҳа ва касб эгалари эканлигини назарда тутиб, мавзу ва руқола доирасини кенгайтиришга қарор қилганмиз. Яна эслатиб қўймоқчимизки, бу йил «Обод

маҳалла йили» экан, мазкур мавзуда йил бўйи кизиқарли материаллар бериб борамиз ва бу ишда албатта сизларнинг кўмагингизга таянамиз. Негаки, ҳаммамиз ҳам маҳалланинг бир аъзосимиз. Уни обод қилиш, бу борада амалга оширилган ишларни кўрсати билиш ҳам фақат ўзимизгагина боғлиқ.

Юртимизда газеталар кўп. Ҳар бирининг ўз йўналиши, ўз ўқувчиси бор. «Ҳуқуқимни билмай, ҳаётим «Қонун химоясида» бўлсин десангиз, на-шрларимизни қузатиб бординг, биз билан ҳам-корлик қилинг.

«НУҚУҚ» сизнинг минбарингиздир!

Пойтахтимиздаги Оқтерак маҳалласи оқсоқоллари 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлигини зўр мамнуният билан қарши олдидлар.



✓ 2003 YIL — OBOD MAHALLA YILI

ЭЛ ШОДЛИГИ,
 МАМЛАКАТ
 ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА...



«Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси
 Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ билан мулоқот

— Раис жаноблари! Ўзбеклар ҳаётини маҳалласиз тасаввур қилиш қийин. Маҳалла халқимизнинг қадимий қадриятларидан бири. Бироқ, жамғарма ташкил қилиниши билан бу сўз янада залворлироқ маъно касб эта бошлади. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, мустақиллик яратган имкониятлар туфайли халқчил бошқарув тизими — маҳалла қайтадан кашф этилди. Бугунги кунда у қўлди тарбия ўчоғи сифатида миллий истиқлол мафқураси билан бойиб, жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳаёт дорилфунунига айланаб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан демократик мезонларга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли вазифаларни бажаришда маҳалла тизими асосий таянч қилиб олинди. Ун бир йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган залворли ишлар, қўлга киритилган ютуқлар танланган йўл нақадар ҳаётини эканлигини очик-ойдин кўрсатди.

Маҳалла — Ўзбекистонга хос миллий демократик, тарихий, аънавий маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш институтидир. Унинг демократик тизим сифатидаги асосий моҳияти, аввало, улуғсиз эканлигида, омманинг давлат ва жамиятни бошқаришда эркин, ихтиёрини иштирок этишидадир.

(Давоми 2-бетда)

Хроника

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида 2003 йил 6 январдан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва бўлимларининг суриштирувчилари билан «Ўзбекистон Республикасининг валюта қимматликлари муомаласига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат ва бу соҳадаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги мавзуда ўқув машғулотлари бошланди.

✓ ORAMIZDAGI ODAMLAR



Келинг, ҳаммасини бир бошдан бошлай қолайлик. Бугунги кунда велосипед ихтиро қилиш мумкинми? Истеҳзо қилишга шошилманг. Мумкин экан. Сан-Саннининг (ҳамкасб ва шогирдлари Александр Александровични шундай аташади) чизмаларини кўриб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Ихтиронинг оригиналлиги шундаки, велосипеднинг гилдираклари, оддий велосипедникдан фарқли равишда, мутлақо симсиздир. Сан-Саннич ундан қаерларда фойдаланишни ҳам ўйлаб кўйган: циркларда.

Сўхбатимиз мобайнида ён дафтарчам Шиндиннинг бир қатор оддий, аммо оригинал ихтиролари чизмаси билан бойиди. Улар орасида вертолёт шаклида ясалган уй антеннасини алоҳида таъкидламоқчиман. Гап шундаки, мазкур «вертолёт» барча каналлардаги телекўрсатувларни аъло даражада қабул қилади. Бунинг устига у хона учун бетакрор безак вазифасини ўташи ҳам мумкин.

Ҳаммаси болаликдан бошланганди. Дарвоқе, Сан-Саннич 1948 йилда Одесса вилоятининг Саратов туманида туғилиб ўсган. Отаси ҳарбий хизматчи бўлиб, телевизор орқали футбол кўришни яхши кўрган. Кўпинча у хизматдан келиб уйда футбол кўраб, чарчаганидан телевизорни ўчиришни ҳам унутиб ухлаб қоларди.

Бу ҳолат бир неча марта такрорлангач, ёш Саша бунга бирор чора кўришни кўнглига тугди. Ва кўп ўтмай бунинг илҳомини топди. У телевизорга оддий будильник соатни ўрнатди. Эндилликда белгиланган вақт бўлгач, будильник ишга тушиб, телевизор автоматик равишда электр тармоғидан узилар эди.

Тўғри, бу ҳолат ҳозирги кунда ҳеч кимга янгилик эмас. Бироқ бу воқеа ўтган асрнинг 60-йилларида, қаҳрамониимиз ўрта мактабнинг 4-синфида ўқиётганида юз берганини эътиборга олсак...

Отаси ҳарбий бўлган Саша ҳам ҳарбий хизматга қизиқар эди. Бошқа тенгдошларидан фарқли равишда у сержант унвонини ҳарбий қасамдан бир ҳафта ўтган олган. Бунга сабаб бўлган воқеани Сан-Саннич марроқ билан хотирлайди.

Ҳарбий хизматга кўниккан Сашани куроллар беҳад қизиқ-

Дўстим бор. Саиджон. Сирдарёнинг Ховосидан. Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тамомлаш арафасида. Ажойиб йигит.

Хуллас, Саиджон билан бир вилоятдан бўлганлигимиз боис тез-тез учрашиб турамыз. Бир гал унинг уйида бир неча курсдош дўстлари билан гурунглашиб қолдик. Сан-Саннич ҳақидаги илк таассуротларни ўшанда олганман.

Рости, мени ҳаммасидан ҳам у кишининг «қуймас дазмоли» қизиқтириб қўйди. Негаки, шу чоққача ҳеч дазволга ёлчимадим. Уйда уч-тўрттасининг шалоғи чиқиб, қаторлашиб ётибди.

Гапни дабдурустан бу тарзда бошлаганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз. Гап шундаки, ўша гурунда талаба йигитлар ўз домлалари тўғрисида, унинг ақл бовар қилмас ихтиролари ҳақида шу қадар тўлқинланиб сўзлашдики, очиги ўзим ҳам бу одам билан бир бор учрашни кўнглимга тугиб қўйдим. Бунга ҳам икки-уч ой бўлиб қолди.

Ниҳоят, Александр Александрович Шиндин билан у меҳнат қилаётган Тошкент автомобиль ва йўллар институтида учрашдим.



яраша сабаблари бор, албатта. Сан-Саннининг айрим ихтиролари лойиҳаларини ўғирлаб, чет элларда ўз номидан амалиётга татбиқ этиб, бойиб кетган «дўстлари» ҳам йўқ эмас.

Масаланинг яна бир қизиқ жиҳати мавжуд. Сан-Саннич кўплаб ихтироларини давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказмай сақлаб юрганлигининг яна бир сабаби шундаки, мазкур идорада ўрнатилган қоидага кўра, рўйхатга олинган ҳар бир ихтиро учун 45350 сўм тўлаш керак экан, бу ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этиладими, йўқми, қатъи назар. Яна бир муаммо шундаки, ихтиро рўйхатдан ўтгандан кейин 20 йил ичида ишлаб чиқаришга жорий этилиши лозим. Агар жорий этилмаса, ушбу муддат тугагач, патент ўз кучини йўқотади. Энди бир дўппини бошдан олиб, ўзингиз ўйлаб кўринг, аввало оддий ўқитувчи рўзгоридан орттириб шунча пул жамғариши анча мушкул масала. Бунинг устига Сан-Саннич шу кунгача ҳаммаси бўлиб 428 та ихтиро қилган. Уларни рўйхатдан ўтказишга қанча маблағ кетишини ҳисоблашни ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиларига қўйиб берайлик.


САН-САНИЧНИНГ ИХТИРОЛАРИ

ти-р а р эди. Қасамдан сўнг унинг кўлига Симонов қарабинини топширишди. Маълумки, ушбу курол битталаб ўқ узишга мўлжалланган. Аммо ҳар нарсага қизиқувчан Сашани бу қониқтирмасди. Унинг ишлаш механизми синчиклаб ўрганиб чиққач, ёш аскар қарабинни пулемётга айлантиради.

— Энг қизиғи шундаки,— хотирлайди Сан-Саннич,— мен ушбу ихтирогача куролимни кўз қорачигидек асрабавайлашга қасамд қилган эдим. Шундай экан, оддий аскарнинг бундай ўзбошимчиликка йўл кўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Аммо мен куролнинг ҳеч бир деталини олиб ташламадим ёки четдан қўшмадим. Фақат уларнинг жойини ва механизмни ўзгартирдим, холос.

Шу воқеадан сўнг бир ҳафта ўтиб қисм кўмондонни муддатидан олдин унинг елкасига сержантлик погонини тақиб қўяди.

Дўстлари уни Кулибин (машҳур рус ихтирочиси — Ж.Ш.) деб ҳам аташади. Шиндиннинг етти қизил дипломи бор. Умуман олганда, у тўққизта ўқув юртини тугатган. Уларнинг айримларида параллел равишда ўқиб, баъзи имтиҳонларни экстерн тарзида топширган. Фаолроқ доирасининг кенглиги ҳам бир жиҳатдан шу билан изоҳланади.



Тўқсонинчи йиллар бошида А.Шиндин Ўрта Осиё темир йўлининг табиатни муҳофаза қилиш илмий ишлаб чиқариш марказига ишга келади. Сан-Саннининг сўзларига кўра, айнан шу ерда, марказ бошлиғи Осиё Резанова раҳбарлигида унинг имкониятлари тўлиқроқ рўёбга чиқиб, кўплаб ихтиролар қилган. Уларнинг аксарияти учун муаллифлик гувоҳномасини олган. Уша пайтда ихтирочилар иждоий гуруҳида А.Шиндиндан ташқари О.Резанова, темир йўл бош муҳандисининг ўринбосари А.Қарахин, темир йўл бошлиғининг ёрдамчиси К.Синевлар ишлашган.

1993 йил кузида А.Шиндин темир йўл ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи В.Давидович билан Россиянинг Набережне Челни шаҳрида бўлиб, «КамАЗ» хиссадорлик жамияти бош директори билан сўхбат-

ла-ши-ш а д и. Шунда директор ўз маҳсулотларининг дунёда шунчалик машҳур бўлишига қарамай, фақат Африка мамлакатларигагина экспорт қилинаётганигидан нолиб қолади. Сабаби шуки, рус автомобиллари ҳавога кўплаб захарли чиқиндилар чиқаргани учун Европа стандартларига тўғри келмас эди. Сан-Саннич ўшандаёқ автомобил дизель двигателидан ҳавога захарли чиқиндилар чиқилишини камайтирувчи ускуна яратишни кўнглига тугиб қўяди. Кўп ўтмай ускунанинг чизмаси тайёр бўлади. Унинг

«КамАЗ»ларга ўрнатилиши европалик харидорларнинг автомобил ҳақидаги фикрини ўзгариши шубҳасиз. Негаки, у бошқа барча кўрсаткичлар бўйича дунё стандартларига тўлиқ мос келади.

— Бироқ муаммо шундаки, мазкур ихтирони россияликларга шунчаки ширин сўз учун бериб юборолмайман, — дейди Сан-Саннич. — Ахир энди давлатларимиз бошқа-бошқа ва мустақилдир. Қурилмани оммавий равишда ишлаб чиқариб автомобилларга ўрнатиш Ўзбекистонга валютада қанча фойда келтиришини ҳисоблаш учун олти хонали рақамлар ҳам камлик қилади.

Шунинг учун Сан-Саннич вақти-соати келгунча ўз ихтиросини ошкор қилмай туришни маъқул кўрмоқда. Бундан бошқа ҳам унинг ошкор қилинмаган ихтиролари талайгина. Бунинг ўзига

Сўхбат давомида биз Сан-Санничга, хўш шундай экан, ихтироларининг айримларини рўйхатдан ўтказиб, устакхона шароитида битта-битталаб ишлаб чиқариб, амалиётга жорий этсангиз бўлмайди, деб сўрадик. Негаки, шундай қилинган тақдирда ҳам Сан-Саннич жуда катта иқтисодий фойда қилиши мумкин.

— Эҳ, дўстим, — дейди Сан-Саннич мийғида кулиб, — мен Қовға буржиги мансубман. Одатда бу бурждагиларни бойлик, мансаб қизиқтирмайди. Улар бошқаларнинг манфаатларини ўз манфаатларидан устун кўришади. Ҳаётда икки тоифадаги кишилар бор: ақл билан ишловчилар ҳамда кўп билан ишловчилар. Мен биринчи тоифадаги одамман. Менга ихрочилар керак. Қашф этишни эса менга кўйиб беришсин...

Шундай қилиб сўхбатимиз ўртача нотада якун топди.

Александр Александрович Шиндин айна пайтда талабаларга термодинамика фанидан маърузалар ўқийди. Талабалар орасида уни ўзига устоз деб билган, уни севган, ўзлари ҳам ихтиролар қилаётган шогирдлар кўпчиликини ташкил этади. Уларга шароит яратиб бериш, уларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш барчамизнинг вазифамиздир. Мамлакат келажаги мана шундай истеъодли, фидойи инсонларга боғлиқ.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«HUQUQ» муҳбири

YANVAR

D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Y	5	12	19	26	

FEVRAL

D	3	10	17	24
S	4	11	18	25
Ch	5	12	19	26
P	6	13	20	27
J	7	14	21	28
Sh	1	8	15	22
Y	2	9	16	23

MART

D	3	10	17	24	31
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Y	2	9	16	23	30

APREL

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	

MAY

D	5	12	19	26	
S	6	13	20	27	
Ch	7	14	21	28	
P	1	8	15	22	29
J	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	31
Y	4	11	18	25	

IYUN

D	2	9	16	23	30
S	3	10	17	24	
Ch	4	11	18	25	
P	5	12	19	26	
J	6	13	20	27	
Sh	7	14	21	28	
Y	1	8	15	22	29

2003 YIL

**IYUL**

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	

AVGUST

D	4	11	18	25	
S	5	12	19	26	
Ch	6	13	20	27	
P	7	14	21	28	
J	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Y	3	10	17	24	31

SENTABR

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Y	7	14	21	28	

OKTABR

D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Y	5	12	19	26	

NOYABR

D	3	10	17	24	
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Y	2	9	16	23	30

DEKABR

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	31
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Y	7	14	21	28	

OBOD MAHALLA YILI